

ИЖАРА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ –МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

*Тулаев Мирзакул Саламович,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти
e-mail: tmirzakul@mail.ru,
ORCID: 0000-0002-0612-5635,
Tel: +99897 7510958*

Ижара – активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарачига) маълум бир вақт ичида тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича битимга айтилади. Ижарага олувчининг асосий мажбурияти мунтазам равишда, одатда ҳар ой, ёки ҳар чорак, шунингдек аввалдан тўлов шаклида ижара ҳақини тўлаш ҳисобланади. Бунда ижара шартномаси активларни ишчи ҳолатини ким қўллаб туришини аниқлайди.

Ижара пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80% билан чегараланади, шунингдек ижарада қайд қилинган фоиз ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи фоиз ставкалари билан тавсифланади. Ижара битимларини операцион ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади. Ишга туширилиши узок муддатга тўхтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускунани ижарага олиш қулайдир.

Баъзида активларга фақат вақтинча, мавсумий ёки бир маротаба талаб бўлади, бундай ҳолда ижара доимо фойдаланишда бўлган активларга эгалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Эгалик қилишга нисбатан қисқа муддат ичида активларнинг ижараси ижарачига янги маҳсулотнинг ва юқори технологиявий асбоб-ускунанинг эскиришидан «муҳофаза» қилишга имконият беради.

Устунликлардан ташқари ижарани камчиликлари ҳам мавжуд. Ижарага олинган активларнинг 100 % молиялаштирилиши шунингдек пул кўринишидаги юқори даражадаги фоизларни англатади. Мавсумий ижарада асбоб-ускунани керак бўлган пайтида топиш мумкин бўлади деб кафолат бериб бўлмайди. Ундан ташқари, чегараланган ижара фоиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Оператив ижара асбоб-ускуна эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо оператив ижара ҳақи одатда молиявий ижара ҳақидан баланд бўлади (ижарага олувчи мумкин бўлган эскириш таваккалчилигини қоплайди).

Молиявий ижарада белгиланган ставка ижарага берувчи – кредиторни фоиз ставкаси кўтарилганда, зарарларни олиш таваккалчилигига йўлиқтиради.

Ижара муносабатлари пайдо бўладиган кўп турдаги битимлар мавжуд. Кўпинча ижаранинг икки тури учрайди: молиявий ва операцион ижара.

Молиявий ижара. Молиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

–молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижара олувчининг мулкига ўтса;

–молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

–молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

–молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ижарага олувчи ва ижарага берувчи томонидан ижарани бир хил тушуниши учун қуйидаги икки мезон мавжуд:

1. Энг кам ижара тўловларининг суммаси тахминий асосланган бўлиши керак.

2. Ижарага берувчи ўз зиммасига олиши шарт бўлган қопланмайдиган харажатлар (суғурталаш, сақлаб туриш, солиқларни тўлаш харажатларидан ташқари), ўлчанадиган ва тахминлаштириладиган бўлиши керак.

Бу мезонлардан ҳеч бири ижара ҳолатини тан олишни ўзгартирмайди, балким фақатгина консерватизм принципига диққат-эътиборни қаратади. Бошқа томондан, бу мезонлар ижара таърифини икки омил билан тўлдириб туради:

а) эгалик қилишдан келиб чиққан таваккалчилик ва даромадларни ўтказиш, ва

б) ижарага берувчининг соф дебиторлик қарзини баҳолашнинг ҳаққонийлик даражаси.

Оператив (операцион) ижара. Оператив (жорий) ижара – бу молиялаштирилган ижарадан ташқари ҳар қандай ижара бўлиб, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши керак:

1. Ижарачи ҳеч қандай таваккалчиликни ўз зиммасига олмайди, бироқ активларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай устунликларга ҳам эга эмас.

2. Оператив (жорий) ижара шартлари асосида ижарага олинган активлар, ижарага олувчининг бухгалтерия балансидан ташқари счётларида киритилади.

Қуйидаги вазитларни кўриб чиқамиз:

“Алишер” корхонаси ва “Мирон” корхонаси шартнома имзолашди. Шартномага биноан “Мирон” корхонаси 1 январь 2004 йилдан бошлаб “Алишер” корхонасига бинони 12 ойга ижарага беради ва ижара ҳақи йилига 600 000 сўм ташкил қилади.

Бинонинг бошланғич қиймати 40 000 000 сўм, фойдали хизмат муддати 40 йил. Эскириш тўғри чизиқли усулда ҳисобланади.

А) “Алишер” корхонаси ижара ҳақини ҳар ойда тўлаш мажбуриятини олмоқда.

Ижарага берувчи ва ижарага олувчиларнинг бухгалтериясида ушбу операцияни акс эттирамиз:

Ушбу операция операция ижара деб ҳисобланади, ижарага берилган бино ижарага берувчи “Мирон” компанияси балансида қолади.

**Ижарага берувчи – “Мирон”
корхонаси**

Ижарага берувчи ижарага берилган актив – бинони балансдан чиқармайди ва бухгалтерия ўтказмасини бермайди

Ижарага берувчи ҳар ойда мулкни ижарага бериш натижасида даромадни тан олишни акс эттиради $(600000/12) = 50000$

Дт Ижара бўйича олинадиган счёт 50000

**Ижарага олувчи – “Алишер”
корхонаси**

Ижарага олувчи ижарага олинган актив – бинони балансдан ташқари счётида қабул қилади

Дт Оператив ижарага олинган асосий восита

40 000 000

Ижарага олувчи ҳар ойда мулкни ижарага олиш натижасида харажатни акс эттиради $(600 000/12) = 50000$

Дт Ижара бўйича харажат 50 000

Кт Тўланадиган оператив ижара 50 000

Кт Ижарадан олинган даромад 50
000

Ижарага берувчи ҳар ойда мулкни ижарага бериш натижасида пул маблағларнинг олинанишини акс эттиради

Дт Пул маблағлари 50 000

Кт Ижара бўйича олинаниган счёт 50 000

Ҳисобот даврининг охирида ижарага берувчи ижарага берилган мулк бўйича эскириш ҳисоблайди (40000000/40йил) = 1000 000

Дт Эскириш харажатлари 1000 000

Кт Жамғарилган эскириш 1000 000

Ҳисобот даврининг охирида ижарага берувчи ижарага берилган мулк солиғини ҳисоблайди (маълумот етишмаслиги учун сумма тахминий) 40 000

Дт Бошқа операцион харажатлар 40 000

Кт Бюджетга тўловлар бўйича қарз 40 000

Ижарага берувчи ижарага берилган актив – бинони балансга қабул қилиш бўйича бухгалтерия ўтказмасини бермайди

Ижарага олувчи ҳар ойда мулкни ижарага олиш натижасида пул маблағларнинг тўланишини акс эттиради

Дт Тўланадиган оператив ижара 50 000

Кт Пул маблағлари 50 000

Ижарага олувчи ижарага олинган актив амортизация харажатларини ҳисобламайди ва бухгалтерия ўтказмасини бермайди

Ижарага олувчи ижарага олинган актив мулк солиғини ҳисобламайди ва бухгалтерия ўтказмасини бермайди

Ижара муддати тугагач, ижарага олувчи ижарага олинган актив – бинони балансдан ташқари счётдан ҳисобдан чиқарилади

Кт Оператив ижарага олинган асосий восита

40 000 000

Молиявий ижаранинг ижарага олувчи томонидан ҳисобга олиш

Молиявий ижара, ижарачи баланснинг активида - ижарага олинган воситалар, мажбуриятида эса - ижара мажбуриятларини ҳисобга олишни назарда тутати. Ижара муддатининг бошида капитализацияланган сумма, ижара объектининг бозордаги баҳоси асосида аниқланадиган энг кам ижара тўловларларининг жорий дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. У ижара тўловлар суммасидан сақлаш, суғурталаш ва солиқларни тўлаш билан боғлиқ харажатларини, яъни ижарани амалга ошириш бўйича харажатларни чиқариб ташлаш орқали ҳисобланади.

Энг кам ижара тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблаганда, дисконтлашнинг ҳисобга олиш омили бўлиб, ижаранинг тахмин қилинган фоиз ставкаси ҳисобланади, агар уни аниқлаш мумкин бўлса; агар аниқлаб бўлмаса муқобил фоиз ставкаси қўлланилади. Бу фоиз ставкаси ижарачи ушбу активларни сотиб олиш учун қарзга олинган маблағларга тўланадиган тўловлар суммасига тенгдир.

Мисол: Ижара тўловларнинг жорий (дисконтланган) қиймати ижарага олувчининг балансида актив томонида акс эттирилиши керак. Ижара бўйича мажбуриятлар баланснинг “Мажбуриятлар” бўлимида: 1 йил муддатда тўланиши керак бўлган мажбуриятлар қисқа мажбуриятлар сифатида ва 1 йилдан ортиқ муддатли мажбуриятлар эса – узоқ муддатли мажбуриятлар таркибида кўрсатилиши керак. Ижарага олинган мулк ҳақидаги маълумот ўз хусусий активлар ҳақидаги ўхшаш маълумотлар билан бирлаштирилади, бироқ ҳисоботнинг иловасида ижарага олинган мулкнинг қиймати ва унинг амортизациясини кўрсатиб ўтиш керак.

АКТИВЛАР		МАЖБУРИЯТЛАР	
Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати*	30 000 000	Молиявий ижара бўйича мажбуриятнинг жорий қисми	900 000
Минус: жамғарилган эскириш	10 000 000	Молиявий ижара бўйича	
Асосий воситаларнинг баланс қиймати	20 000 000	узоқ муддатли мажбуриятлар	2 700 000

* Асосий воситаларнинг умумий суммасига 5000 000 сўмлик ижарага олинган мулк, жамғарилган эскириш эса – ушбу мулкнинг 1400 000 сўм амортизацияси киритилган.

Кўриб турибмизки, ижарадаги асосий воситаларнинг капиталлаштирилган қиймати 5000 000 сўм минус 1400 000 сўм амортизация ёки соф қиймати 3600 000 сўмни ташкил этади. Ижара бўйича мажбуриятлар 900 000 сўм узоқ муддатли мажбуриятнинг жорий қисми ва 2700 000 сўм узоқ муддатли мажбуриятларга бўлинади.

Ижара тўловлари ҳисобда молиявий тўлов (фоизлар бўйича харажатлар) ва мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловларга (ижара келишуви бўйича тўловлар) тақсимланади.

Молиявий тўлов ижара муддати мобайнидаги энг кам ижара тўловларининг суммаси ва бошланғич ёзилган мажбурият суммаларининг фарқидан иборатдир. Молиявий тўлов ижара муддати мобайнида даврлар бўйича шундай тақсимланадики, ҳар бир даврда мажбуриятлар қолдиғига нисбатан доимий ставка сақланиб қолиниши керак.

Ижарага олинган мулкнинг амортизацияси унга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилган пайтда аниқланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ижара муддати тугагандан кейин ўтса ёки бу кўзда тутилган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш учун давр бўлиб, активнинг фойдали иш фаолияти муддати ҳисобланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилмаса, амортизацияни ҳисоблаш учун давр бўлиб, қуйидаги икки даврдан энг қисқаси: ижара муддати ёки активнинг фойдали иш фаолияти муддати ҳисобланади.

Одатда молиявий тўлов ва ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобот даври учун тўланган ижара тўловига тенг эмас ва бунинг натижасида ижарага олинган актив қиймати ва у билан боғлиқ мажбурият қиймати ижара муддатининг бошланишидан ҳамма даврлар учун тенг бўлмайди.

Ижаранинг бошланиш муддати – бу қуйидаги вақтлардан энг вақтлироқ бўлгани: ижара бўйича шартнома тузилган вақти ёки ижаранинг асосий шартлари юзасидан томонларни мажбуриятларни ўз зиммасига юкланган сана.

Ижара муддати – ижарага олувчи активни ижарага олишни шартлашган муддати, ушбу муддатда ижара шартномаси бекор қилиниши мумкин эмас. Ундан ташқари бу муддатга ижарага олувчи тўлов орқали ёки тўловсиз равишда ижарани давом эттириш имкониятини берувчи ҳар қандай қўшимча муддатлар киради.

1-Мисол. Ускунани ижара муддати 5 йил. Сотиш қиймати 110 000 сўм. Ижарага бериш вақтида мулк ҳуқуқи ижарачига ўтмайди, кафолатланмаган қолдиқ қиймати (сотилиши ижарага олувчи томонидан таъминланмаган ёки фақат ижарага берувчи билан боғлиқ бўлган томон билан кафолатланган) ижарага олинган активнинг қолдиқ қиймати – 10 000 сўм. Ижарага олувчи ҳисобга 100 000 сўм олади. Ижарага олувчи ҳар йили 25,000 ш.б. ижара

тўловларини амалга оширишни ўз зиммасига олади. Кўзда тутилган фоиз ставкаси 7,93%.

Ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси – энг кам бўлган ижара тўловларини ва кафолатланмаган қолдиқ қийматини ижара муддатининг бошида аниқлаш учун мулкнинг дисконтланган қийматини белгилайдиган дисконт ставкаси. Қарз капиталига оид ўсиб борувчи фоиз ставкаси – шунга ўхшаш ижара учун ижарага олувчи тўлаши керак бўлган фоиз ставкаси, ёки активни сотиб олиш учун худди шундай муддатда кредит (заём)дан фойдаланиш учун ижара бошланишида ижарага олувчи томонидан қабул қилиши мумкин бўлган ставка. Шартномада албатта фоиз ставкаси (ижара мукофоти) ва инвестицияланган маблағларни қайтарилиши кўзда тутилган бўлиши шарт.

1-жадвал

7,93 % самарали ставкасида ижара тўловларни тақсимлаш жадвали

Муддат	Давр бошида ижара бўйича мажбуриятлар	Энг кам ижара тўловлари	Фоиз бўйича харажатлар	Жорий ижара мажбуриятларини тўлаш	Давр охирида ижара бўйича мажбуриятлари
1 йил	100 000	25 000	7 930	17 070	82 930
2 йил	82 930	25 000	6 576	18 424	64 506
3 йил	64 506	25 000	5 115	19 885	44 622
4 йил	44 622	25 000	3 539	21 461	23 160
5 йил	23 160	25 000	1 840	23 160	-
		125 000	25 000	100 000	

Молиялаштириш учун тўлов, ҳар бир ҳисобот даврида ижара мажбуриятининг баланс қийматига нисбатан доимий фоиз ставкаси асосида, барча ижара муддати мобайнида тан олинади.

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижаранинг ҳисоби

Ижарага берувчи нуктаи назаридан ижара ёки молиявий ёки сотув туридаги ижара бўлиб ифодаланиши мумкин. Ижарага берувчи учун молиявий ижарага берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки ижарага қилинган соф инвестицияларга тенг бўлган дебиторлик қарз сифатида акс эттарилади. Бундай дебиторлик қарзнинг соф қиймати энг кам ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати орқали аниқланиши керак, улар кафолатланган ёки кафолатланмаган бўлишидан қатъи назар. Ижарага берувчи ҳисоботда ижарадан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс

этиради. Бутун фойда капитал қўйилмалардан олинган фойдадир деб ҳисобланади.

Ижарага *ялпи капитал қўйилма* (ялпи инвестициялар) = энг кам ижара тўловлари + кафолатланмаган қолдиқ қиймати.

$$ЯК = 125\ 000 + 10\ 000 = 135\ 000$$

Олинмай қолган даромад = ЯК ва ДҚ ижарага берилган мулкнинг ҳозирги қиймати орасидаги фарқ.

Соф капитал қўйилма (соф инвестициялар) = ЯК минус ОД (олинмаган молиявий даромад)

$$ЯК - ОД = ЯК - (ЯК - ДҚ) = ДҚ$$

ИЖАРАНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ: сотиш тури бўйича ижаранинг ҳисоби; активни кайта ижарага олиш шарти билан сотиш

Агар ишлаб чиқарувчи узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича маҳсулотнинг жўнатилишини ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаи сифатида акс эттирса, олинган фойда икки йўналиш бўйича алоҳида акс эттириши шарт:

- Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш
- Ижара муддати мобайнида ижара шартномаси бўйича инвестициялар

Ижара битими ҳақиқатда ижро этилганда, яъни ижара шартномаси бўйича дебиторлик қарзнинг ҳажми маҳсулотнинг сотиш баҳосига тенг бўлса, ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисобга олиши мумкин. Ишлаб чиқаришдан тушган даромадлар мос келадиган дисконтлаш ставкасини ишлатган ҳолда, энг кам бўлган ижара тўловларнинг дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. Бироқ бу ставка сотиш баҳосини ҳисобга олмасдан қўлланилиши мумкин эмас. Агар сотув нархлари мавжуд бўлмаса ёки уларни аниқлаш мумкин бўлмаса, ижарага берувчи сотувлардан олинмаган ялпи фойда ва фоизлардан олинган фойдани аниқлашда сезиларли эркин ҳаракат қилишга эгадир. Ҳар қандай ҳисоб муолажаласи ижарадан олинган ялпи фойдани ишлаб чиқариш ва инвестициялаш орасида ихтиёрий равишда тақсимланишни ифодалайди.

Активни кайта ижарага олиш шарти билан сотиш

Бу келишув бўйича субъект ўз активларини бошқа томонга сотади ва у томон уларни кайтадан субъектга ижарага беради. Одатда активлар бозор қийматига яқин нархда сотилади. Фирма асбоб-ускуна қийматини нақд пулда ва ижара муддати мобайнида активлардан иқтисодий фойдаланиш ҳуқуқини олади. Бунинг ўрнига у ижара ҳақини тўлашга розилик беради ва активларга эгалик қилиш ҳуқуқини беради. Мулкни кайтадан ижарага олиш шарти билан сотиш бўйича битимларнинг бухгалтерия ҳисоби услубияти ижара турига боғлиқдир.

Агар активларни кайтадан ижарага олиш шарти билан сотилиши молиявий ижара ҳисобланса, унда бундай битим, ижарага берувчи активларни кафолат ўрнида ишлатиб ижарачини маблағ билан таъминлашни усули ҳисобланади. Шу сабабли, сотувдан олинган тушумнинг баланс қийматидан ошган қисмини олинган фойда деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай ортиқча чиқиш, агар тан олинган бўлса, муддати узайтирилади ва ижара муддати мобайнида фойдага олиб борилади.

Агар мулкнинг қайта ижарага олиш шарти билан сотилиши операцион ижара ҳисобланса, ҳамда ижара ҳақлари ва сотиш нархи ҳаққоний қиймат бўйича белгиланса, демак оддий сотув содир бўлган ва ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади. Агар сотиш нархи ҳаққоний қийматдан паст бўлса, ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади, бозордан паст нархлар бўйича кўрилган зарар келгуси ижара тўловлар билан қопланиши бунга кирмайди. Бу ҳолда унинг муддати узайтирилади ва у ушбу актив ишлатиладиган вақт даври мобайнида қилинадиган ижара тўловларига мутаносиб равишда фойда ёки зарарга олиб борилади.

Агар сотиш баҳоси ҳаққоний қийматдан юқори бўлса, ҳаққоний қийматдан ошган қийматнинг муддати узайтирилади ва ушбу актив ишлатиладиган муддат мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

Агар битим вақтида ҳаққоний қиймат баланс қийматдан камроқ бўлса, баланс қиймати ва ҳаққоний қиймат ўртасидаги суммага тенг зарар шу захоти тан олинади.

Активни қайта ижарага олиш шарти билан сотиш билан банд бўлган ижарага берувчилар: суғурта компаниялар ва бошқа инвесторлар, молиявий компаниялар ва мустақил лизинг компаниялар ҳисобланади.

Ижара келишуви бўйича активларни сотиб олиш

Юқорида кўрсатилган икки томонлама келишувлардан фарқли равишда кредитли ижарада уч томон иштирок этади:

1. Ижарага олувчи
2. Ижарага берувчи ёки улушлик иштирокчи
3. Кредитор

Ижарачи нуқтаи назаридан кредитли ижара ва бошқа ижара турлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йуқ. Ижарага берувчи эса активларни ижара келишуви шартлари бўйича сотиб олади ва бу харидни қисман инвестициядаги ўз улушидан тўлайди, айтилик 20% (ундан «улушли иштирокчи» деган ибора пайдо бўлган). Қолган 80% узоқ муддатли кредитор еки кредиторлар томонидан тўланади. Асосан кредит активларнинг гарови, ижара ва ижара ҳақи тўғрисидаги келишув орқали таъминланади. Ижарага берувчи қарздор ҳисобланади.

Активларнинг эгаси сифатида ижарага берувчи бу хилдаги активлар билан боғлиқ ҳамма тўловларни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ерни ижарага олиш. Одатда ерни ижарага олиш операцион ижарадир, чунки ерни ишлатиш муддати чегараланмаган. Агар ижара сотиб олиш ёки ерга эгалик қилиш ҳуқуқини беришни кўзда тутса, унда бундай операция моҳияти бўйича муддатини узайтириб сотиш деб ҳисобланади ва ижара капитализациялаштирилиши лозим. Агар ижарага олинган мулкнинг бозор қиймати ичида ер нархи 25%дан пастни ташкил қилса, операция асбоб-ускуна ижараси сифатида қаралади. Агар ернинг нархи 25%дан кўпроқ бўлса, унда ернинг ижараси алоҳида ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1).
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>
2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60.
https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. *Архив научных исследований*, 1(1).
<https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5),
<http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.-
<https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898.
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1).
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
8. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. *Indian Journal of Economics and Business*. IMPACT OF TAXES ON THE BANK’S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year –

2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2

<http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php>

9. [Тулаев, М. С. \(2019\). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.](#)
10. Қличев, Б. П. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
11. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293
https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html
12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of New Century Innovations*, 6(1), 67–79. <http://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>
13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 889-892.
14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(3), 148-153.
16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. *International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR)* ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157
<http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>
17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
18. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN, 2249(0892).
http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf
19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . *Journal of New Century*

- [Innovations](#), [10\(2\)](#), [48–54](#).
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80.
<https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
21. Ф.Қ.Бобохўжаева, (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари. *EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES*, 2(13), 156–159.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
22. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. *Biznes-Эксперт*, 3 (159), 39-42.
23. Холдоров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>
24. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Khudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 693-697).
<https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>
25. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 2020, Systems (pp. 44-48).
<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>
26. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - *Journal of Critical Reviews*, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>
27. Имомқулов, Т. Б. (2022). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 6(1), 57-66.
28. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Piyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. *Test Engineering and Management*, Volume 83, 1733-1743
<http://www.testmagazine.biz/index.php/testmagazine/article/view/3815/3347>
29. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the

- mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>
30. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12(5), 51-54. <https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>
31. Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>